**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИОЛИЙВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ**

# “Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларни ташкил этиш технологияси” мавзусидаги

**Б И Т И Р У ВМ А Л А К А В И ЙИ Ш**


**Бажарди:** “Бошланғич таълимваспорт тарбиявий иш” таълим

йўналиши битирувчи 4 курс

талабаси Норқобилова  А.

_______________

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**

Ўқитувчи Бобоназаров О.

__________________


Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди. _______________сонли баённомаси “____”____________________2014 йил

**ТЕРМИЗ – 2014**

**Мавзу: Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларни ташкил этиш технологияси**

**Кириш**

Режа:

**I.Боб.Бошланғич синфларда тарбиявийтадбирларни ташкил этишнинг назарий асослари.**

I.1.Таълим жараёнида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг мазмуни.

I.2. Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларнинг мавжуд холати.

**II. Боб. Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларни ташкил этиш усул ва воситалари.**

II.1. Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларни ўқиш дарсларида ташкил этиш усуллари.

II.2.Синфдан ташқари машғулотлар жараёнида тарбиявийтадбирларни ташкил этишнинг воситалари.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

## Кириш

**Битирув малакавий ишнинг долзарблиги** . Бола соғлом ва ҳар томонлама баркомол шаклланиши учун унда ўқишга интилиш ҳиссини такомиллаштириш билан чекланиб бўлмайди.Тарбиявий тадбирлар орқали улар онгида касбҳунар ва меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, умум маданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадрятларга асосланган юксак манавийахлоқий фазилатларини тарбиялаш билан ўз ватани ва ҳалқига нисбатан садоқатни шакллантириш, атрофмуҳитга нисбатан онгли муносабатда бўлиш туйғусини, ҳуқуқий онгини тарбиялаш лозим.”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “маданий, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш” таъкидланган ҳамда таълим сифатини яхшилаш, унинг тузилмаси ва мазмун – мундарижасини такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилган.

Ёш авлодни маънавийахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий миллий маданийтарихий анъаналарига, урфодатлари ҳамда умубашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Бошланғич таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни олиб боришнинг бугунги кунда ижобий томонлари шундаки ўқувчи ёшларни онгини, маънавиятини, юксак салоҳиятини юксалтиришда, баркамол авлодни миллий-маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устиворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштирилибборилади.

Мамлакатимизда чуқур ва кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.Жамият маънавий юксалиш ва янгиланиш сари юз тутган.

Жамият маънавиятини юксалтириш – давлат сиёсатининг устивор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентиябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллабқувватлаш тўғрисида”гиФармони замиридаги ғоялар, улардан келиб чиқадиган асосий мақсадлар маънавиятининг устиворлигини яна бир карра тасдиқлайди.

**Битирув малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлкатимизда кейинги йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия тўғрисидаги қатор меъёрий хужжатлар , жумладан Ўзбекистон Республикаси нинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “, бозор иқтисодиёти шароитларида муваффақиятли ишлай оладиган,мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва мактаб нуфузини янада юқори поғонага кўтаришни тақозо этади.

Ўуқвчиларнинг ахлоқий сифатларини тарбиявий тадбирлар орқали такомиллаштириш муоммолари О.Абдуқуддусов, Н. Аматов, Ю.К.Василиев, К.Д.Давлатов, Л.Т.Магзумов, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Хўжабоев, Н.Ш.Шодиев, Э.Т.Чориев ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Юқорида номлари тилга олинган олимларнинг илмий ишларини ўрганиш ва бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларниамалга оширишда уни тарбиявий аҳамиятини ўқувчиларни, аҳлоқий фазилатларини шакллантириш-педагогик, мафкуравий, ғоявий муаммо сифатида аҳлоқий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, ишлаб чиқилмаган. Ана шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб, биз ушбу битирув малакавий иш мавзусини “**Бошланғич синфларда тарбиявийтадбирларни ташкил этиш технологияси”** деб номладик.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади.** Бошланғич синф ўқувчиларига тарбиявий тадбирларниташкил этиш ва шакллантириш тизимини аниқлаш.

**Битирув малакавий ишнинг обьекти.**Бошланғич синф ўқувчилари тарбиявий тадбирларниташкил этиш жараёни.

**Битирув малакавий ишнингпредмети.** Ўқув тарбия жараёнида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг мазмуни шакл ва усуллари.

**Битирув малакавий ишнинг вазифалари.**

- Буюк мутафаккирларнинг таълимтарбияга оид қарашлари,анъаналари воситасида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш технологияси педагогик муоммо эканлиги унинг мазмунини аниқлаш.
- Ўуқвчиларнинг миллий қадриятлар асосида тарихий тадбирларни ташкил этишга асосланган дарс сенарисини яратиш.
- Ўқув тарбия жараёнида тарбиявий тадбирларни миллий истиқлол ғояси асосида шакллантиришнинг усул ва воситаларини танлаш.
- **Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги.** Улуғ мутафаккирларнинг қарашларидаги таълимтарбияга оид ғояларининг ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришга йўналтирилганлиги ва ўқув тарбиявийтадбирларни мақсади вазифаси шакл ва усуллари аниқланди.

**Битирув малакавий ишнинг методлари.** Мавзуга оид фалсафа, педагогика, тариҳ эстетика, маданиятшунослик асослари бўйича илмийназарий адабиётларни ҳукуматимизнинг расмий ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлтл қилиш; кузатиш, суҳбат, ёзма ва оғзаки сўровларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

- **Битирув малакавий ишнинг методологияси.** Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳалқ таълими соҳасига оид расмий ҳужжатлар Президентимиз И.А.Каримовнинг “Баркомол авлод” тўғрисидаги илмийназарий таълимотлари. Шарқ мутафаккирлари асарлари шунингдек педагогика назаряси ривожланишида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон олимлари ва педагоглари Н.Азизходжаева, М.Иномова, О. Мусурмонова , У, Маҳкамов, С. Очил, И. Саидаҳмедов, Н. Ортиқов, А.Р. Ходжабоев ва бошқаларнинг илмий ғояларидан назарий асос сифатида фойдаланади.

**Битирув малакавий ишнинг илмий фарази**. Агарда

- Ўқув тарбия жараёнида ўтказиладиган тарбиявий тадбирларни мақсади вазифаси мазмуни ва воситалари ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий сифатларини шакллантиришга қаратилган бўлса.
- Бошланғич синфларда ўқувтарбия жараёнида ўтказиладиган тарбиявий тадбирларни зомонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилса.

**Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти.** Битирув малакавий иш натижаларидан дарс ва дарсдан ташқари пайтларда таълим олувчиларда тарбиявий тадбирларни шакллантиришга оид ўтказилган тадбирлар режаси ва педагогик технологиясини тадбиқ қилишда фойдаланади.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши.** Кириш, икки боб, тўрт парагриф, хулосалар, тавсилар, фойдаланилган адабиётлар лардан иборат.

## I.Боб.Бошланғич синфларда тарбиявийтадбирларни ташкил этишнинг назарий асослари.

I.1.Бошланғич синфларда тарбиявийтадбирларни ташкил этишнинг мазмуни.

Тарбиявий тадбирлар - турли хил моддий ва маънавий эхтиёжларга жавоб берувчи, тарбиявий максадларниш ягона мажмуасига буйсундирилган, бир-бири билан ўзаро хамкорлнк қилувчи, ўзида бир бутун қлишни кўзда тугган тарбиявий таъсир мажмйудир.

Таълим жараёни алохида дарслардан ташкил топгани каби тарбиявий тадбирлардан тарбия жараёни вужудга келадн.

Тадбирлар, тарбиявий ишлар - тарбия жараёнинннг бир бўлагидир тарбиявийтадбирлар -бу тарбнянинг тизимлилиги, тугаллиги, узвйлиги ваузлуксизлигидир. Тарбиявий тадбир - тарбняланувчиларнинг муайян Тарбнявий фаолиятики ташкил этувчи ва амалга оширувчи шаклдир. унинг асосий хусусияти - зарурийлик, фойдалилик ва тадбик этиш имкониятидан иборат Мазкур вазифаларни ҳал қилишда таълим муассасалари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу ижтимоий тарбиянинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади.Таълим муассасалари негизида педагогиқ ҳуқуқий, психологиқ маънавий ва маърифий билимлар берувчи “отаоналар ўқуви” фаолиятини ташкил этиш, бола тарбияси яхши йўлга қўйилган оилаларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ўрганиб, тажрибаларини оммалаштиришни йўлга қўйиш.

Мактаб, оила, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг бу янги тузилмаси болалар ва катта ёшдаги аҳолининг одобахлоқ, ғоявийсиёсий, меҳнат, иқтисодийэкологик соғламлаштириш ва жисмоний тарбиясига, бўш вақтни мазмунли ўтказишга, маданият, таълим, спорт, ҳалқ таълими, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда маҳаллаларнинг моддий баъзаси ва ходимларидан тўлароқ, оқилона фойдаланишда амалий имкониятлар беради.

Ижтимоийпедагогик марказнинг афзаллиги шундаки, у узлуксиз тарбия жараёнида тарбининг ҳалқона, миллий асосларини, оммавий тарбия анъаналарини амалиётга жорий қилади. Болалар ва ўсмирлар клубларини очишда, ёшлар

қонунбузарлигининг олдини лоиш ва ижтимоий тартибининг бузилишига қарши оммавий кураш олиб бориш имкониятини беради.

Фукаролик фаолияти ўз давлати олдидаги хуқуқ ва бурчларини тан олишни, жамият белгилаган яшаш ва ахлоқ меъёрларига онгли риоя этишни, меҳнат ва жамоада фаолликни, маънавий етукликни барқарор этади:

ислоҳотларнинг такдири ва самараси учун жавобгар, юртимизнинг эртанги куни ва истқболи учун фидойи шахсларни шакллантириш борасида устувор давлат сиёсати юритувчи;

- Сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик яъни давлатнинг ички ва халкаро сиёсатини тушуниш ва ватанпарварлик ва байналмилалликни ҳис этиш, ижтимоий сиёсий ҳаётда фаол кдтнашишга шай туриш;
- Халқ, давлат олдидаги фқаролик бурчи, яъни қонунчилик тамойилларини, ўзининг Ватан, маҳалла, оила олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини билиши, уларга қатьий амал килиши. Қонунчиликнинг бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш;
- шахснинг маънавий, ахлоқий сифатларини тарбиялаш;
- жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, шаклланаётган миллий мафкурани укувчиёшлар онгига мукаммал етказиш;
- кишиларни узузини чуқур англашини, мустакдлликнинг моҳиятини тобора теран тушуниши ва унинг қадрига етиши, миллий тафаккур такомиллашувини, тарихий хурлиқ мустақиллик руҳининг уйронишини таъминлаш маънавият сохдсида сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланишини тушунтириш.

Ҳозирги пайтда ахлоқий ва маънавий жиҳатдан тарбиявий тадбирларни ўқувчи-ёшларни орсида кучайтириш зарур. Ахлоқ йуқ экан, инсон онгли ижтимоий шахс була олмайди. Шунинг учун ахлоқий тарбия шахснинг ҳар томонлама ва эркин шаклланишида асосий ўринни эгаллайди.

Мактаб ва мактабдан ташкдри таълим муассасалари тарбиячилари (ўқитувчилар, синф раҳбарлари, маънавиймаърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосарлари, болалар етакчилари ва бошкдлар) жамоаси олдида

доимо ўуқвчиларга умуминсоний ахлоққоидалари асосида ҳаёт кечиришни ўргатишдек муҳим вазифа туради.

Фанни ўрганишга муҳаббат уйготиш, билимга ташналик фазилатлари ахлоқий тарбиянинг ажралмас таркибий қисмидир. Болаларнинг ўқишдаги муваффакдятидан унинг гуруҳидаги ўрни аникданади, атрофдагиларнинг у билан муносабати белгиланади, ўқишдаги муваффақиятболанинг ахлоқий тарбиясини  тарбиявий тадбирлар орқали юқори даражага кўтаради.

Ўуқвчилар қалбида юксак маънавиятлиликни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти беқиёслигини тушунтириш.

Билим манбаи булган китобни севиш, уни ўқиш ва кўз қорачиридек саклай билиш лозим, ўқиш учун уни танлай олиш ва уни маданиятини билиш керак. Бу ишда устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари ёрдам беришлари лозим.

Тарбия муассасаларида умуминсоний қадриятлар доимо диккат марказида булиши ва уни амалга ошириш учун шахс эркинлиги ва демократияни ҳимоялаш ҳар бир кишининг асосий вазифасидир. Жамиятда диннинг таъсири ортиб борар экан, ёшлар билан ишлашда динга муносабатни тутри шакллантириш, уларга динни умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида тушунтириш лозим. Болаларда динни алохдда дунёкдраш, билимни эса ҳаётни мукаммаллаштириш ва ривожлантириш воситаси эканлигини англатиш зарур. Шу билан бир қаторда динни ниқоб кдлиб олган диний экстремистик окдмлар, уларнинг ёвуз ниятларини фош этиб бериш.

Фуқаролар бирлиги, миллатлараро ҳамкорлик ёш ва мустакдл мамлакатимизнинг асосий негизидир. Республикамизнинг мустақил давлат сифатида шаклланиши жараёнида, ёш авлодни жамият янгиланишининг мохдятини ва зарурлигини тушуниб етадиган, ўзи учун, узи яшаб турган улканинг гуллаб яшнаши учун, унинг такдири учун, узга давлат ва миллат вакиллари билан дусту бироларликни мустаҳкамлаш учун жавобгарликни ҳис кдладиган даражада тарбиялаш.

Ватанпарварлик — мустакил. Ўзбекистон учун янада кенгроқ маъно ва мазмунга эга сўз бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда ватанпарвар бўлиш бу иқтисодиётимизни, мудофаамизни, барча миллат вакилларининг дустона муносабатини ўз билими, фидокорона меҳнати, аъло уқиши билан мустаҳкамлашдан иборат.

Ҳар бир ўқувчи Ватан муваффакиятида унинг ҳам шахсий бурчи ва масъулиятли вазифалари борлигини тўла идрок этсин. Кундалик тарбиявий ишларни шундай ташкил этиш зарурки, натижада ўуқвчилар Республика мустакдллиги шароитида унинг муаммоларини узиникидек қабул қиладиган булсин. Уларнингоғирлигини ўз елкасига оладиган, мумкин қадар Ватанга фойда келтирадиган шахс булиб улрайсин. Бугунги кунда олиб борилаётган, кузда тутилган барча янгиланиш жараёнлари,иқтисодийижтимоий, маданий соҳалардаги туб узгаришлар хамманинг фидокорона хизмати туфайлигина юзага келишини тушунсин.

Ўкувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири Ҳарбий ватанпарварликдир. Ушбу тарбия жараёни укувчиларда уз она Ватанини ҳимоя қилиш туйруси ва Ватан Ҳарбий куч қудратига нисбатан миллий ғururни шакллантиради. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий мазмуни укувчиларга ватанни ҳимоя қилиш, ҳарбий кучларнинг Конституцион мажбуриятини тушунтириш, турли ҳарбий ва меҳнат анъналарини тарғиб қилишдир. Шу мақсадда ўқувчиларни амалийҳарбий ва техник тугараклар машрулотларига жалб қилиш зарур. Шу билан бирга турли ҳарбий мусобақалар, туристик саёҳатлар, ҳарбий уйинлар («Шунқорлар» уйини), ҳарбий спорт байрамларини ўтказиш: «Ватанпарвар» деб номланган комплекс ҳарбий спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб туриш; ҳарбий шоншуҳрат музейларини, «Ёшларнинг ҳарбий хизматга тайёргарлик бурчаклари»ни ва хоналарини ташкил этиш; ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган йигитлар билан учрашувлар уюштириш; ватанимизнинг ҳарбий қаҳрамонлари туррисида давра суҳбатлари утказиш; хотира солномаларини тузиш ва бошқаватанпарварлик тарбиясига хос фаолият билан шуғулланиш лозим. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жамиятни қайта қуриш ва халкдшнг маънавий ривожланишига кенг шароит яратилди. Бозор иқтисодиёти турли миллат вакилларининг ўзаро

яқинлашувини уйрунлаштирмокда. Бу эса умумий иқтисодий муносабатларни давлатлараро миқёсга олиб чиқмокда. Бозор муносабатлари барча миллат вакилларининг, элатларнинг, аҳолининг ижтимоий гурухдарини узаро бирлашишга, шу тарикд узаро келишув ва хурмат эҳтиромнинг шаклланишига сабаб булмокда. Ўз касбини севиш ва моҳир устаси булиш, ижодий меҳнат хдр бир миллат вакили учун инсон ҳолатининг асосий мезони булиб қолмокда.

Мустақил Ўзбекистонўз сиёсатининг фукаролар тинчлиги ва миллий тотувлик асосида қурилганини эълон қилади. Бунга эришмоқ учун мактаблардаги тарбиявий ишларда хдр бир миллат ва элатларнинг ижтимоий ва иқтисодий таракдиёт крнуний равишда уларнинг узлигини англаш даражасини усишига олиб келишини назарда тутиш лозим.

Ўзининг миллий маданиятига беқиёс ҳурматда бўлиш баробарида ўуқвчиларга бошқа элат анъаналарига нисбатан калондимоғлик ва беписанд назар билан қараш нотўғри эканлигини уларга мунтазам тушунтириб бориш лозим. Ҳеч кднդай миллий анъаналар кимнингдир ориятига тегмаслиги ва душманлик муносабатларини уйғотмаслиги керак. У самимий ва беғараз бўлмоғи лозим. Миллий ўзликни англаш бу миллатлараро муносабатда заро ҳурматэҳтиромни сакдашда сезилади.

Ёшларни ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялашда замонавий нуқтаи назардан ёндошиб, унга жамият янгиланишининг моҳияти булган демократия, инсонпарварлиқ мавжуд ва янги тутилаётган миллиймаданий анъаналар, умуминсоний қадриятлар ва уз навбатида янгича тарбиянинг узига хос услуб ва шаклларини жорий этишни тақозо этади.

Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда унинг миллий ўзига хослиги, этнопсихологик ва этник маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўрилади.

Умуминсонийлик — бутун инсониятга хос булган, маданий ва миллий хусусиятлари кўпқиррали тушунчадир. Яъни, турли миллат вакилларига ва узгача фикрловчиларга хурмат ва хайрихоҳдиқ турли динлар ва бошкд маданиятларнинг узига хослигини тан олиш, кддриятларнинг «бегонасини» хдм хурматлаш демакдир.

Бу жараёнларда етакчи вазифалардан бири — миллатлараро муносабатлар асос булиб хизмат кдлади ва умуминсоний кддриятлар куллангандагина бу жараён ривожланиш босқичига чикдди.

Умуммиллий халкдро муносабат маданиятини шакллантиришда дарсдан ташкдри амалга ошириладиган тадбирлар катта ахдмиятга эга. Чунки ушбу тадбирлардан кузланган мақсад кишиларнинг узаро ахлоқий муносабатларини шакллантиришдан иборат. Ушбу тадбирларда бошкд халкдарнинг анъана ва урфодатлари, Шарқ мутафаккирларининг тинчлиқ дустлиқ отаонага мухдббат ва садоқат, меҳнатсеварлик каби педагогик рояларини урганиш, байналмилал дустлик учрашувларини ташкил этиш каби тарбиявий ишларнинг турли шакл ва усулларидан кенг фойдаланилади. «Ўзбекистон Ватаним маним» қушиқ байрамлари утказилади. Укувчилар халқ ама.\ий санъати, дурадгорлиқ бадиий ҳунармандчилиқ ганчкорлиқ ёрочга уйиб ёзиш, туқимачилик каби касблар фаолиятига дойр тугаракларга жалб этилади.

Ўкувчиларнинг ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбиясини республикамизда долзарб муаммолардан бири сифатида аниқ белгиланган вазифалар асосида амалга ошириш керак. Сўз ва иш бирлиги билан болаларда миллийлик ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш Давлатимиз мустақиллиги ва шаклланиши жараёнининг муҳим жихдтидир.

Тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари Конституцияни, Давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи, фукаролар, оила, меҳнат, суд ишларини юритиш ва бошкд хуқуқларнинг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини юксак даражада хурмат қилиш ва уларга сўзсиз риоя этиш, тарбия ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасиз бўлиш рудида тарбиялаш, халкдро ҳуқуқнинг адамиятга молик масалалари, халкдро ташкилотлар (БМТ хавфсизлик кенгаши ва доказо) фаолияти дадида уқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборатдир. ,

Мактаблар ва мактабдан ташкдри таълим муассасаларида тарбиявий тадбирлар орқали болаларнинг энг одаий, шунингдеқ анча асосли ҳуқуқий билимлар, ижтимоий ҳаёт меъёрлари ва қоидаларини билиб олишлари,

тушунчаларини кенгайтиришлари хамда мустаҳкамлашлари учун кенг шароит яратиб беришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президента, Олий Мажлис, Президент Девони, Вазирлар Мадкамаси, ҳукумат ва бошка органларнинг моҳияти ва аҳамияти, ҳудуди, уларнинг кишилар кундалик даётида зарурлиги;

Ўзбекистон Республикаси қонунни муҳофаза кдлиш муассасаларининг ташкилий тузилиши;

Республикада ҳудудий саводсизлик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш учун дудудий тарбия буйича амалга оширилаётган тарбиявий тадбирларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Купгина маърузалар ва суҳбатларгаоид ҳар бир суз ва панднасидат боланинг нозик қалбига сингиши, унда ҳудудтарғиботни бузувчиларга қарши курашда фаол иштирок этиш, энг муҳими, унинг ўзида ҳудудий билимларни ўрганиш ҳиссини уйротиш лозим.

Миллий тадбирлар тарбия буйича дарсдан ташқари ишлар ўқув жараёни билан таркибан ва мантиқан уйғунлашган холда бўлиши керак. Тугарак ва клуб фаолияти ҳудудий билимлар конференциялари ва баҳсмунозаралари ўуқвчиларнинг ёш ва ақлий хусусиятларига мувофиқ бўлиши, умумий тарбиявий жараёнга мос келиши зарур. Бунда ҳуқуқий тарбия болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиши умумий мазмунининг ажралмас узвий қисми эканлигини ёдда тутиш зарур. Таълим муассасаларида «Сиз қонунни биласизми» кўриктанловларини мунтазам ўтказиб бориш керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, қонунларини, айниқса, «Давлат тили хдқида»ги Қонуннинг бажарилиши хукукдй тарбиянинг муҳим йуналишларидан бири ҳисобланади. Бу мактабдан ташкдри муассасаларда узбеқ шунингдеқ рус ва бошкд миллатга мансуб укувчилар билан м"уайян иш олиб боришни, Республика анъаналарини, миллий хусусиятларини, этнографиясини, демографиясини чуқур билишни талаб этади.

Республикада ишлаб ва яшаб турган хар бир фуқоронинг кўп тилларни билиши хаётий заруратдир. Тил катта бойлиқ уни билганлар учун жаҳон

маданиятига, таракдий этган давлатларга йўл очилади. Биз тилни билиш билан халқ кдлбини биламиз.

Ўуқвчиларга «Диний ташкилотлар ва фуқароларнинг виждон эркинлиги» туррисидаги янги тах;рирдаги Қонун, «Болалар хукукдари конвенцияси» асосида тушунча берилиши, ҳуқуқий билимларга баришланган адабиётлар яратилишига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ижтимоийпедагогик марказнинг афзаллиги шундаки, у узлуксиз тарбия жараёнида тарбиянинг, миллий асосларини, оммавий тарбия анъаналарини амалиётга жорий дилади. Болалар ва ўсмирлар клублари очишда, ёшлар донунбузарлигининг олдини олиш ва ижтимоий тартибининг бузилишига дарши оммавий кураш олиб бориш имкониятини беради. Ижтимоийпедагогик марказ мадаллалар тарбиявий ишининг самарадорлигини оширишни таъминлайди, барча болалар ва катта ёшдаги кишиларга педагогик таъсир курсатади.

Ижтимоийпедагогик марказлар фаолияти турар жой буйича аҳолининг турли гурухдарга табадалаштириш асосида ёндашиш орк,али барча тарбиявий, жисмоний сорломлаштириш, маданий дам олиш, яхшилашни таъминлашга даъват этишга ҳаракат қаратилади.

## I.2. Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларнинг мавжуд холати.

Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларни табиявий аҳамияти аввало комил инсонни шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифа бўлиб, Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўриб чиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратшшши, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Тарбиявий тадбирлар жараёниниг энг асосий натижаси ҳар томонлама камол топган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришдир.

**Тарбиявий тадбирлар мақсади нималалардан иборат?**

1. Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда тарбиявий тадбирларнинг ўрни борми?
2. Тарбиявий тадбирларда доимий иштирок этиб турасизми?
3. Тарбиявий тадбирлардаиштирок этган ўқувчиларда қандай ижобий ўзгаришларни кузатгансиз?
4. Тарбиявий тадбирларга ўқувчиларингизни тайёрлаганмисиз?
5. Тарбиявий тадбирлар билан маданий тадбирининг қандай фарқи бор?
6. Тарбиявий тадбирларни ижобий хусусиятлари нимада?

Ушбу саволларни Термиз шаҳридаги 13-умумтаълим мактабининг ўқитувчисига тарқатдик ва қуйидаги жавобларни умумлаштирдик.

40% ўқитувчи ёшларни ақлий, ахлоқий,тарбияланиши фақат тадбирлар орқали шаклланмаслиги тарбиявий тадбирларда иштирок этишга вақти йўқлиги, тадбирларда кўпроқ иштирок этган ўқувчилар дарсларни яхши ўзлаштираолмаслигини, тадбирларга ўқувчи тайёрлаганини айтишган.

60%ўқитувчилар эса тарбиявий тадбирлар тарбиянинг мақсади ўқувчиларни ақлий,ахлоқий, миллий байрамларимизни, маънавий қадриятларимизни ҳис этишда тадбирларнинг ўрнини кўрсатиб ўтолмаган.

Тарбиявий тадбирларжараёни - шахсни шакллантнришга максадли йуналтирилган, тарбияловчи ва тарбиялаиувчилар хамкорлиги учун махсус

ташкил этилган, бошқариладиган ва назорат қилинадигаи, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараёндир.

Ушбу бошланғич синфлардатарбиявий тадбирларни ташкил қилиш давлат талаблари» ўуқвчиларнинг бўш вақтини тарбиявий таълим жихатдан самарадорли ташкил этишга қаратилган бўлиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва миллий дастур роялари асосида ишлаб чиқилди.Шу сабабдан, мустақил Ўзбекистон ёшлари тарбиясида уч манбадан фойдаланиш мумкин. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Истиқлол ва маънавият" асарида қуйидаги уч омил кўрсатилган:

1. Умуминсоний қадриятлар.
2. Ислом таълимоти.
3. Ўзбек миллий урф-одатлари.

Юқоридаги омиллар бир-бири билан боғланган бўлиб, у А.авлоний айтганиқек: "Агар инсон яхши тарбия топиб, бузуқ ҳулқлардан сақланиб, гўзал ҳулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул бахтиёр бир инсон чиқар..." Шу сабабдан, А.Авлоний тарбиянинг инсон ҳаётида зарурлигини назарда тутиб "Тарбия ҳаёт ё мамот" деб таъкидлаган эди.

Тарбиявий жараён онгли, маъсулятли фаолият бўлиб унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб тарбиялашга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Тарбиявий ишларни ташкил этиш методикаси ёш авлодни маънавий жиҳатдан юксак фазилатлар эгаси қилиб вояга етказиш санъатининг қирралари, шакллари ҳамда билим, малака ҳосил қилиш ҳақида баҳс юритад.

Тарбиявий тадбирлар ташкил қилиш методикаси миллий онг ва истиқлол мафкурасини шаклантиришга хизмат қилади.

**Унинг мақсад ва вазифалари:**

Маънавий-маърифий тарбия ишлари раҳбарлари, ўқитувчи, тарбиячилар тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда бой милий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиши, тарбиявий таъсирга эга бўлган манбаларни ажрата билиши керак:

- Ўқувчилар жамоасининг тарбиялаганлик даражасини ўрганиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши;
- Тарбиявий тадбирлар учун методларни танлаб, кўзланган мақсадга эришиш чора-тадбирларини кўра билиши;
- Илғор тажрибаларни кузатиб, таҳлил қилиб, ундан ижодий фойдаланиши;
- Янги илғор педагогик технологияни жорий этиши;
- Тарбиявий тадбирларни ўқувчилар руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштириши;
- Тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўз билмини таркибий равишда бойитиб бориши лозим.

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг усулубий-методологик асоси ўтмиш халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма ёдгорликлари, халқ арбоблари, Марказий осиёлик мутафаккир, маърифатпарвар олим, педагогларнинг бой меросидир.

Мактабда бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларниурф-одатларимиз, миллий кадриятларимиз, Республика ҳудудлари талаблари асосида ташкил этиб, унинг тарморини кенгайтириш, ҳозирги замон талаблари даражасида ислох, қилиш кун тартибида турган долзарб масаладир. Тарбия жараёни - тарбиявий ишларни тадбирларнинг доимий харакатдаги фаолиятидан иборат..

Миллий мафкура вазифалари махсус ташкил этилган маънавий-маърнфий ишлар, шуиингдек, таълим-тарбия жараёнида ва дарсдан ташкари машгулотларда амалга оширилади. Ўқувчилар фаолиятининг дарсдан ташкари тизимини лойихалаш.

Дарсдан ташкари фаолият тизими ўқитишнинг назарий ва амалий тизимини тўлдирадн. Унннг асосий вазифасн ўуқвчиларнинг ўқишдан ташқари вақти мобайннда ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий фойдали мехнат билан шуғулланиш учун оқилона тақсимлашга ёрдам беришдир.

Ўқувчнларнинг дарсдан ташкари фаолнигини лойихалаш вазифаларига қуйидагиларин киритиш мумкин:

- ижтимоий мослашув доирасини ташкил этиш ва укувчнларнинг ижтимоий харакатчанлигини курсатиш;
- бўлажак мутахассисларнинг касбий мослашуви учун зарурий шарт-шароитлар яратиш;
- ўуқвчиларни мустакил равишда таълим ни давом эттиришга йуналгириш;
- ҳар бир ўуқвчинигқобнлияти, қизиқиши ва иштиёкларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ўқвчиларга бўш вактларидан унумли фойдаланишни ва дам олишии ўргатиш.

Ўқитувчи таълимий-тарбиявий тадбирларни уюштиришда қуйидаги педагогик талабларга амал қилиши керак.

-Ўуқвчилар ёши, руҳий ҳолатига мос бўлиши;

-Дарсда олган билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши;

-Тадбир орқали бошланғич синф ўқвчиларида жамоатчилик, уюшқоқлик ўзаро ёрдам каби ахлоқий сифатлар таркиб топиши лозим.

Таълим муассасининг тарбиявий вазифаси биринчи навбатда, ўқувчиларда, ўзини шу дунёда англаб етиш, бошқалар орасида ўз ўрнини топиш билан дунёга, маданиятга, атроф-муҳитга қадриятлами шакллантиришдан иборат. Лекин мана сху вазифани фақат ўқитиш жараёнида амалга осҳириб бо`лмайди: у индивидуал манфаатларини қондирисҳ билан богииқ дам олисҳ доирасидаги о`йин, меҳнат, ижодий фаолият билан ҳам боо`лиқ. Шундай қилиб, хусусан тарбия тизими инновацияларини ўрганиш имконияти пайдо боиади. Уни яратисҳ ва ривожлантириш жараёнида, ҳар гал қатор аниқ масалаларни ҳал этисҳ керак бўлади: юқорида номлари келтирилган муаллифлар уларинг бештасини алоҳида урғу билан кўрсатадилар.

Тарбиядан бошқа ёндашиш инсонпарварлик тарбиявий тизимини яратиш билан боғлиқ. Бу ёндашиш биринши навбатда, биз илгариги боиимда батафсил кшрибчиққан индивидуаллаштириш жараёни билан мос келади (лекин уни бола ижтимоийласҳтирисҳ масалаларини иложи борисҳа яхши ўзлаштириб олиши мақсади билан боғлиқ ёндашиш билан адаштириш керак эмас). Яна бир бор

эслатиб ўтамиз, индивидуаллаштириш - бизнинг тушунишимизча -бу болада мавжуд ёки ўзининг индивидуал тажрибасида эгаллаган ягона, алоҳида ва ўзига хослигини таъминлаб туриш ва ривожлантириш бўйича катталарнинг ҳамда боланинг ўзининг фаолиятларидир.

Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирлар уларнинг онгини оширишда, маънавиятини шакллантиришда асосий вазифа бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос белгидир, бир-биридан фарқ қилувчи тарбиявий тадбирларнинг шакллари, воситалар, моддий меҳнатни талаб қилади. Синфдан ташқари таълим-тарбиявий ишлар ўқитувчиларнинг йиллик иш режаларида аниқ кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгиланган бўлиши лозим. Оммавий тадбирлардан лавҳалар ўқувчиларнинг қанчалик завқ олаётганини кузатиб, таҳлил қилишди. Тадбирлардан кўзланган мақсадлар мавзусида ўқитувчилар билан давра суҳбатлари ўтказилди.

Байрам тарбиявий тадбирларини тайёрлашда айтиладиган шеър, қўшиқлар уларнинг куйлари, саҳна безаклари кийиладиган либослар ўқувчиларга қанчалик эстетик завқ беришиши тўғрисида маълумотлар берилди.

Ўқувчиларда гўзалликни ҳис эттиришда тадбирларнинг ўрни жуда катта эканлиги, тадбирларда иштирок этган ўқувчиларда ҳар бир нарсага қизиқиш, иштиёқ уйғонини кузатдик. Тарбиявий тадбир байрамда турли ёшдаги турли қарашдаги касб эгалари, иштирок этишади. Бунда ўқитувчи, ўқувчи усти-бошига, сўзлашишига эътиборли бўлишни талаб этади. Мактабдаги байрам тадбирларига ҳам ўқувчилар эътибор билан тайёрланишни бу орқали ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиялар шаклланишига замин яратилишини айтиб ўтишган.

## II. Боб. Бошланғич синфларда тарбиявийтадбирларни ташкил этиш усул ва воситалари.

### II.1. Бошланғич синфларда тарбиявийтадбирларни ўқиш дарсларида ташкил этиш усуллари.

Мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлаш ва уни тизим шаклида ташкил этиш асосий масалалардан биридир.Шунингдек, бошланғич синфларда тарбиявий тадбирларни ташкил этишда маънавий-маърифий, миллат шахсининг тили, тарихи, урф-одатларида намоён бўлади. Бу масулият улардан доимий равишда ўз устида ишлаш, ижодий меҳнатни талаб қилади. Бошланғич синфўуқвчиларнинг фаолиятини ташкил қилишда йўналтирилган синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни асосий хусусияти-ўуқвчини ижтимоий ҳаётга тайёрлашдан ибортдир. Ўуқвчи кундалик ишларнинг давоми сифатида синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ишларида бевосита турли мавзудаги суҳбатлар, совол-жовобларда қатнашади, кечаларни ташкил қилишда иштирок этади, ролларни бажаради, тинглайди қолаверса, булар орқали билими ва дунё қараши бойиб боради. Айниқса, улар бугунги кунда ўуқвчиларнинг миллий меросимизга нисбатан қизиқишларини ўстириш мақсадида ташкил қилинади. Ҳар қандай тарбиявий тадбирлар машғулот олдида турли тарбиявий вазифалар қўйилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос белгидир, бир-биридан фақ қилувчи шакллар, воситалар, иодий меҳнатни талаб қилади. Синфдан ташқари таълим-тарбиявий ишлар ўқитувчиларнинг йиллик иш режаларидааниқ кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгиланган бўлиши лозим. Бошланғич синфларда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий тадбирлар ўуқвчилик давр, яни уларнинг мактаб остонасига илк қадам қўйган кунларидан бошланади. Мустақиллик байрами, 2 сентиябр, Куз байрами, Конститутция байрами, Алифбо байрамлари, Янги йил, Ҳарбийлар байрами, машҳур алломаларнинг туғилган кунлари, 8 март, Наврўз байрами, Гуллар, Меҳржон, Ҳосил байрамлари кабилар. Мана шундай тадбирлар бевосита ўуқвчилардаватанга

эътиқод тушунчасини шакллантиришга хизмат қилади. Бу тадбирлар учун ҳалқ оғзаки ижоди, бадиий адабиёт наъмуналари муҳим манба ҳисобланади.

**Бошланғич синфларда тарбиявий тадбирлар қуйидаги босқичларда амалга оширилади:**

1.Тадбирни режалаштириш.
2.Тадбир юзасидан ўқувчиларга тушунча бериш.
3.Тадбирни ташкил қилиш жараёнида синф ўуқвчиларининг барчаси иштирок этишни таъминлаш.
4.Ўуқвчиларнинг имкониятлари даражасидан келиб чиққан ҳолда ишларни тақсимлаш.
5.Тадбирни амалга ошириш.
6.Тадбир натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Босқичларнинг ҳар бири ўқитувчи томонидан олдиндан чуқур ўрганилган бўлиши лозим.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун ёрдам берадиган қуйидаги методик тавсияларни баён этишни лозим топдик:

1.Бошланғич синф ўқувчиларининг синфдан ташқари тадбирларга раҳбарлик қилишда, авволо миллий қадриятлар, уларнинг аҳамиятлилиги, ижтимоий характерга эътибор бериш керак масалан: эртак ва мақоллар воситасида,тарихий мавзулар ёки миллий байрамлар.
2. Яхши иштирок этган ўқувчиларни синф ва мактаб жамоаси олдида рағбатлантириш.
3. Дарсдан ташқари тадбирлар оақали ўуқвчи шахсидагиахлоқий сифатларни ривожлантириш йўлларини топиш.
4.Синфдан ташқари машғулотларга раҳбарлик қилишда миллий қадриятлар таъсирида баъзи ўуқвчиларда мавжуд салбий хусусиятларни бартараф қилиб бориш.

Мазкур ишларни амалга оширишда ҳар бир бошланғич синф ўқитувчиси, энг авволо, ташкил қилинадигантарбиявий тадбирларнинг мазмунини чуқур ўрганиши, унинг натижаларига жиддий эътибор бериши ва бу билан ўуқвчи шахсига ижобий таъсир этишга интилмоғи, ватанга эътиқод,миллий

ғурур,ватан равнақи учун хизмат қилиш, қолаверса она табиатни асраш каби сифатларни янада ривожлантириш йўлларини изламоғи лозим.Бошланғич синф синф ўуқвчиларида ватвнга эътиқодни шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш, ўуқвчиларни миллий қадриятлар билан чуқуррок таништириш, уларнинг дарсда олган билимларини амалда мустаҳкамлаш мақсадида турли эрталиклар, кечалар, беллашувлар ўтказишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бунинг учун, авволо ўзбек халқининг миллий қадриятлари, байраму сайиллар ва урф-одатлари ҳақида болаларга тушунча ҳосил қилиш, ватан ҳақидаги шерларни ёд олдириш, Ўуқвчиларнинг ўзлари чизган ватан манзараси тасвирланган суратлар намоишини ташкил қилиш, миллий урф-одатлар акс этган кўринишларини тайёрлаш билан эрталикларга тайёргарлик кўрилади. Миллий байрамларни бошланғич синф ўуқвчилари билан биргаликда нишоллаш, авволо ўуқвчиларда она-Ватан, табиат ва жонзотларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ғурур ва ифтихор ҳиссини шаклланиради. Бу каби тарбиявий тадбирлар натижасида бошланғич синф ўуқвчиларнинг сўз бойлиги ошади, дунё қараши кенгаяди, асосийси дарсда олган билимларни устаҳкамлайди, бундай тадбирлар уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

**Ўқиш дарсларида 3-синфлар учун дарс ишланма**

**Дарснингмавзуси:** «Сумалак» ривояти.

**Дарснингмақсадлари:**

-Ўуқвчиларнииfодали, равонўқишга, воқеаларжараёниниатрофличабаён этаолисҳгаўргатиш.

-Миллийвамаънавийқадриятлари- мизгаҳурматруҳидатарбиялаш. Эзгуликларгаҳамоҳангбайрамларимизҳақидатушунчабериш.

-Мустақилфикрлашга, ўзфикрини эркинифода этишгаўргатиш.

-Дарснингуслуби: Ноанъанавий. Дарснингжиҳози: Баҳорманзараситасвирланганрасмлар, буклетлар, тарқатмаматериаллар, техникавоситалари, ўстирилганбуғдоймайсаси.

**Дарснингбориши:**

Ўқитувчиболаларбилансаломшашади. Уларнингдарсгатайёрлигинисўрайди.

**Ўқувчилар:**

Ўқиш — буодобилми,

Берарбизгаҳаётдансабоқ.

Убордирки, ҳаётсурурли,

Убордирки, келажакпорлоқ.

**Ўқитувчи:**Ушбударсёқаркимга?

Қани, айтингчи, менга.

**Ўуқвчилар:**

Сизга, бизга, ҳаммага,

Ёқарушбударсимиз.

Сҳункиўқиш, сҳеъриятга,

Ҳавасуйғотганўзингиз.

**Ўқитувчи:**

Раҳмат, болажонларим,

Ўтиринглар, марҳамат. Саволларимгафақат,

Жавобберингизўйлаб.

**Ўуқвчилар:**ЎйлабжавобберишгаҚиламизбизҳаракат.

- Болажонлар, бугунгидарсимизниинтерфаолусуллярданбири — мусобақатарзидаўтказамиз, Ҳозиргуруҳларгабўлинамиз. Дарсимиздавомидағолибгуруҳларгабаҳорнинг энгсевимлигулиҳисобланмишболаларданберибборилади.

Энгкўплолаолгангуруҳғолибсаналади.

**1 гуруҳ:**

Бинафсҳахон, бинафсҳа,

Кулишларингчиройли.

Боғимиздаочилиб,

Туришларингчиройли.

**1 гуруҳ:**

Баҳоркелди элимизга,

Кўм-кўкбўлдибоғ, дала.

Қувончтўлибдилимизга,

Терибкелдикбизлола.

**1 гуруҳ:**

Баҳорданбердингдарак,

Осонбўлмадикўрмак.

Сенгаталпинганюрак,

Севгангулим — бойчечак.

-Демак, ҳозирбиз «Бинафша», «Лола» ва «Бойчечак» гуруҳларигабўлинамиз.

Гуруҳсардорларисайланади.

Гуруҳларга «Очқичсўз» берилади. 1-гуруҳ — «Баҳор», 2-гуруҳ -«Наврўз», 3-гуруҳ — «Сумалак» сўзлариасосидакўклам, буфаслдагитабиатўзгарисҳларигатаърифберадилар.аълодаражадауддалагангуруҳғолибҳисобланади.Ўқитувсҳи: Мана, боиалар,

ўлкамизгаўзининггўзаллигиникўз- кўзқилибкўркамбаҳорфасликирибкелди. Бутунборлиқ, табиатянадагўзаллашди, ёсҳарди.

Даврага баҳоройкирибкеладивашеърайтади.

Чоратрофгаатримсосҳиб, Новдаларимғунсҳаосҳиб,

Жаннатюртгашошиб-шошиб, Мана, келдимсабобилан.

Барчабилансаломлашгач, ўуқвчииаргасаволберади.

- Азизболажонлар, баҳорфаслиҳақиданималарнибиласиз?

Ўқувчиларунингсаволигабаҳорҳақидагишеърларбиланжавобберадилар.

1- **ўқувчи:**

Осмонтиниқ, кўкшош,

Оқбулуткезаргоҳи.

Гулларгакўмилади,

Қандакўрикнингшош.

2- **ўқувчи:**

Боғбончиқарбоғига,

Чўпонкетартоғига.

Болариларғувиллаб,

Қўнаргуляпроғига.

3- **ўқувчи:**

Сувларшилдирабоқар,

Қўшиғидилгаёқар.

Бизгашодликкелтирдинг,

Саломсенга, гулбаҳор.

**Ўқитувчи:**Болажонлар, буфасл

нафақатгўзаллигибилан, балкибайрамларгабойллгибиланҳамажралибтуради.

Мана, яқинда

қўшиғиникуйлайдилар.

Тестсаволларитарқатилади.

Ўқувчилартопшириқларнибажаргунларичасардорларбеллашувиўтказилади. Бундасардорларга «Баҳортаомлари» бошқотирмасиберилади. Бошқотирманитезечгансардорғолибсаналади.

Бўйига:

1. Баҳорийкўкатиардантайёрианувчихамирлитаом.
2. Масаллиғи: Буғдой, гўшт...
3. Ялпиз,исмалоқдантайёрианувсҳикўк...

**Энига:**

Наврўзнингсевимиитаоми.

Ўқитувчи: Азизболажонлар! МустақилЎзбекистонимизнингкелажагисизёшларқўлидадир. Азизватанимизнисевиш, уникўзқорачиғидекасраш, керакбўлсажонимизниҳамфидоқилишҳарбиримизнингфарзандликбурчимиздир. Бугунгимавзуимиздабизмиллийваумуминсонийқадриятлар, ўзбеконаурф-одатлар, гўзаланъаналарҳақидатўхталдик. Жаннатмаконюртимизнингҳарбиргўсҳасидабуажойибқадриятлартантанақилмоқда. Бу — истиқлолшарофатидандир.

Дарссўнггидагуруҳларнингтўплаганлолалариҳисобланиб, ғолибаниқланадиварағбатлантирилади.

**Ўқитувчи**: «Сумалак» ривоятиниянабирборсаволларбиланмустаҳкамлаб, дарсгаякунясайди.

**Уйгавазифа:** Ривоятниуўқиш, баҳорбайрамлариҳақидасўзлабберииш.

**“КИТОБ БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ”**

**Мақсад:** Ўқувчиларни китобни севишга, асраб авайлашга ўргатиш.

**Жиҳоз:** Хона байрамона безатилади,”Китоб бизнинг дўстимиз” ёзуви илинади.

Тарбиявий соатнинг борисҳи:

**Ўуқвчи:**

Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар! Ҳурматли устозлар!

**Ўуқвчи:**

Ассалому алайкум, азиз тенгдошлар! Мана бугун мактабимизда катта тантана. Бугун синф ўуқвчиларининг “ Китоб бизнинг дўстимиз” мавзусига бағишлаб тайёрланган байрам кечасига хуш келибсиз!

**Ўуқвчилар:**

Дил меҳригиёси саломим менинг,

Юрагим имлоси саломим менинг,

Ҳақ ёки ноҳақдан кўнгил синганнинг

Уларга ҳам минг салом, саломим менинг

**Ўуқвчи:**

Тарбиякитобдан бошланади, деб бежиз айтмаганлар…

**Ўуқвчи:**

Китоб ҳаёт дарслиги,

Китоб–билимлар асоси.

Китоб  нондай азиз, мўтабар ва муқаддас.

**Ўуқвчи:**

Қадрли дўстлар, агар биз китобларни ҳурматламас эканмиз, биз бир умрга ёлғизликка

маҳкуммиз. Китоб бизга кўрмаганларимизни кўрсатади, билмаганларимизни билдиради, ҳар бир

исҳда маслакдош бўлади.

Қўшиқ. “Китобим  қўлимда қаранглар”.

**Ўуқвчи:**

Донишмандлар айтадилар: “Яхши китоб кўтариб олган одам ҳеч қачон ёлғиз қолмайди!”.

**Ўуқвчи:**

Ёш ўйноқи кўзларим

Шуур олар китобдан.

Ташкил топиб сўзларим,

Бахтим кулар китобдан.

Шунинг учун дейманки,

Китоб  менинг дўстимсан.

**Ўуқвчи:**

Азиз тенгдошлар, сиз китобнинг қандай пайдо бўлганини биласизми?

Ўуқвчилар, китобнинг қандай пайдо бўлганини сўзлаб берадилар.

**Ўуқвчи:**

Энди навбат китобни мадҳ этувчи шеърларга.

Бўлай десанг боғбон,

Ё ватанга посбон,

Ё осмонда учувчи,

Ё денгизда сузувчи.

Нимаики қилсанг тилак ,

Барига ўқиш керак.

Саҳна кўриниши. “ Майиб китоб”.

**Ўуқвчи:**

Танишайлик: менКИТОБ,

Асл билимларга кон.

Бойлик берай беҳисоб,

Бўлсанг агар қадрдон.

Лекин йиртиб, бурдалаб,

Камайтирма варағим.

Сендан яна бир талаб:

Ифлос қилма ҳеч ёғим.

**Ўуқвчилар:**

Китобни қадрланг ва асраб авайланг! Уни ўзингизни кийимлар билан безаганингиздек,

кийинтиринг, йиртманг ва чизманг!

**Ўуқвчи:**

Қадрли болажонлар, донишманд боболаримизнинг китоб ҳақида фикрларини тинглабкўрайликчи.

Китоб – билим манбайи

Китобсиз уйжонсиз танага ўхшайди.

Кутубхона донишмандлар таклиф этган очил дастурхондир.

**Ўуқвчи:**

Ҳурматли ўуқвчилар, бугунги тадбиримиздан ўзингизга хулоса чиқариб олдингизми? Доимо

китобларингизни авайлаб тутасизми?

Саҳна кўриниши.”Она ва қизча”.

Қудрат Ҳикматнинг “ Китоб” шъери.

Ўуқвчиларкитоб ҳақида топишмоқ ва мақоллардан намуналар айтадилар.

Рақс ижро этилади.

**Ўуқвчи:**

Китобимни қанча севсам оз бўлур,

Китобдесамкўнглимбаҳор, ёзбўлур…

**Ўуқвчи:**

Ҳурматлиустозлар,
азизўуқвчилар!Шунингбиланбугунгибайрамтантанамизўзниҳоясигаетди.

Эътиборингизучунраҳмат! Хайр!

Тарбиявий тадбирлар ўқувчи ёшларни китобхонлигини , маънавиятини, юксак салоҳиятли қилиб тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. Байрам тадбирларини тайёрлашда айтиладиган шеър, қўшиқлар уларнинг куйлари, саҳна безаклари кийиладиган либослар ўқувчиларга қанчалик тарбиявий завқ беришиши тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлдилар.

**II.2.Синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар жараёнида тарбиявийтадбирларни ташкил этишнинг воситалари.**

Мактабдан ташқари тарбиявий тадбир муассасаларининг тўгарак қатнашчилари онгида юксак маънавий ахлоқий фазилатлари мужассамлашган бўлиши керак.Мактабдан ташқари таълим муассасалари тўгарак қатнашчиларини доимий равишда фан ва маданиятнинг энг сўнги ютуқларидан хабардор қилиб туриш, улар онгини ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қилиш муҳим ўрин тутади.Тўгарак қатнашчиларида мустақиллик тушунчаси шаклланган бўлиши, улар Давлатимиз рамзларини, мадҳиясини , урфодатларимизни билиши шарт. Ўуқвчилар қайси тўгаракка қатнашишидан қатъий назар шу касб ёки ҳунар тўғрисида бошланғич кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда янги педагогик ва ахборот технологияси қонуниятлари асосида педагог олимларимиз мактабдан ташк,ари таълимни ташкил этишнинг турли шакл ва методларини ишлаб чик,иш йуналишида тегишли тадқиқотларни олиб бормокдалар. Шунинг билан бирга бу, бир жойда тухтаб турувчи жараён эмас. Ушбу «Талаблар» барча мактабдан таштари таълим муассасалари ук,увтарбиявий ишини режалаштиришда дастур ва услубий материаллар, методик кулланмалар, укув адабиётларини тайёрлашда мудим дужжат булиб хизмат к,илади.

Мактабдан таштари таълим муассасаларининг тугарак кдтнашчилари онгида юксак маънавий ахлодий фазилатлар мужассамлашган булиши керак.

Мактабдан ташкдри таълим муассасалари тугарак датнашчиларини доимий равишда фан ва маданиятнинг энг сунгги ютудларидан хабардор дилиб туриш, улар онгини ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд килиш мудим урин тутади. Тугарак кдтнашчиларида мустадиллик тушунчаси шаклланган булиши, улар Давлатимиз рамзларини, маддиясини, урфодатларимизни билиши шарт. Укувчилар дайси тутаракка кдтнашишидан

кдтъий назар шу касб ёки дунар тугрисцда бошланрич куникмаларга эга булиши лозим.

Мактабдан ташдари таълим удувчилар к,изидишига, ходишига асосланган долда дарсдан буш вак,тларида удув тарбия жараёнини тулдиради ва куйидаги йуналишлар буйича тугарак қатнашчиларига талаблар дуйилиши керак:

1. Ватанга мудаббат; комил инсон тарбияси.
2. Эстетик таълим;
3. Сайёҳлик йуналиши буйича тугаракларга қатнашиш
4. Экологик таълим йуналиши буйича.
5. Ўуқвчиларни маънавий, ахлок,ий йуналиш буйича.
6. Худудий таълим йуналиши буйича.
7. Техник ижодкорлик йун^внци буйича.
8. Истикдол болалари ва и|теъд©дди ёшлар.
9. Иктисодий таълим.
10. эстетик таълим

Мактабдан тапщари таълим муассасалари олдида турган мух,им тарбиявий фаолият эстетик таълимдир. Ёш авлодга эстетик таълим бериш аввало муассасада утказиладиган ук,увчилар х,истуйгусини шакллантиришга асосланган турли тадбирларда, тугараклар фаолиятида миллий маданийтарихий анъаналарга, урфодатлар ва умумбашарий к,адриятларга таянган х,олда амалга оширилади. Шу мак,садда укувчилар уйлари, саройлари, болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйларида доирачилар, рак,с, вокалчолру, фольклор, мак,ом, карнайсурнайчилар, ашула ва рак,с, узбек халк, чолру дасталари, хор студияси, куғирчок, театри, драма тугараги, санъатсеварлар клублари ташкил этади.

Синфдан вамактабдан ташцари тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш аввало комил инсонни шакллантиришнинг энг
замонавий ва қулай йўналишларини топиб жорий этишга боғлиқ.
Ушбу Концепция ҳам худди шу мақсадда, шахс камолоти босқич-
ларини белгилаб олишга йўналтирилган.

Тарбиявий ишларни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган барча ғоялар қайтадан кўрибчиқилиши, асосий эътибор бола шахсига қаратшшши, йиллар давомидатўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарурлигинитақозо этади.

Тугарак аъзолари ушбу даста, тугарак ва клубларда санъатни севишга, ардокдашга, санъат орқали гузалликни кўра билишга, шу гўзаллик орқали ўз она юртини улуғлашга, ундаги гўзалликни, чиройни асраб қолишга интилади.

**УСТОЗИМҚАЛБИМҚУЁШИ**

Байрамўтказиладиганжойбайрамонабезатилган. Устозларниулуғловсҳиҳикматлисўзлар, меҳрибонустозларнингўуқвчиларбилантасвирланганрасмлари, гулларқўйилган. БайрамгаустозваШогирданъаналаринидавом эттираётганинсонлар, фахрийустозлартаклиф этилади.БайрамН. Ҳайдаровижросидаги “МуллаМамажон” қўшиғибиланбошланади.

**Сўнграсаҳнагабайрамонакийинганбошловчиларкирибкеладилар.**

**1бошловчи:**

Ўзбекхалқигаодат,

Аввалобермоқсалом.

Шунингучун чиндилдан

Деймизсизга: “Ассалом!”

**2бошловчи:**

Хушкелибсиз, меҳмонлар,

Чинкўнгилданассалом.

Хушкелибсизбайрамимизга,

Сизгадирширинкалом.

**1бошловчи:**

Тоғларданбошланаркаломнингбоши,

Ассалом, дебчиқарюртимқуёши.

Шуулуғюртимданбуюккаломбу,

Шогирдларномиданбуюксаломибу!

**2бошловчи:**

Ассалом эй, қалбтўридан,

Жойолган, буюкзот.

Бош  эгурмизқаршингизда

Таъзимайлабумрбод.

Ўуқвчиларбош эгибтаъзимқиладилар.

**1бошловчи:**

Бугунгишодиёнамизулуғустозларимизгабағишланганбўлиб, “Устозимқалбимқуёш” дебномланади.Тантанамизгабарчангизхушкелибсиз!

**1ўуқвчи:**

Устозўуқвчинингиккинчиотаонаси, унингсўзимангумашъала, муомаласиипак, талабитошдир, таълимиинсониятгаёруғлик, умримангу, шункишогирдлариуларга эргашадилар, ишларинидавом эттирадилар.

**2ўуқвчи:**

Ўзларинингмеҳрумуҳаббатибиланкелажакмеваларинингяратувчилариниеуч унмадҳ этмайлик, неучунуларниушбуқутлуғкунбиланқутламайлик! Сизларниушбуайём, заҳматингиз, машаққатингизбайрамибилантабриклаймиз. Сочингиздагиҳартушганоқбизгақилганфидойилингизмаҳсулидир.

Илоҳимфарзандларингиз, келажакяратувчиларинитарбиялашучунсоғваомонбўлинг!

Эндифахрийимеҳмонга, отаоналарга, мактабраҳбарларигасўзберишмумкин. Табриксўзларидансўнгмактабмусиқатўгарагииштирокчилариижросида “Азизустозлар” қўшиғиянграйди.

**3ўуқвчи:**

Эй, азиз, муаллим, меҳрибонустоз,

Сўзларингизмислиболдайинлазиз.

Қалбингизкенгосмон, меҳрингизофтоб,

Сизонамкаби энгмўтабар, азиз.

Сизгабахшидадиршеърийкаломлар,

Эй, улуғмуаллим, азизинсонлар!

**1бошловчи:**

Ўқитувчидилидагинидилларгаўтказибқўювчикўприкдир. Меҳнатинингсамарасиникелажаккўрсатади. Ўқитувчинингмуҳитгатаъсириунингфаолиятигабоғлиқ.

**2бошловчи:**

Ўқитувчиўуқвчисинингқўлларидан етаклаб, пастбаландликлардан олибўтади. Демак, буёруғоламдаулардайинмеҳрибон, улардайинжонкуяринсонлартопилмасакерак!

“Хоразмлазгиси”гарақсижро этилади.

**4ўуқвчи:**

Маърифатбоғидабоғбон эрурсиз,

Ўуқвчиқалбигатаратганзиё.

Сизмоҳирсанъаткор, меҳрингизила,

Боланигоҳидаакс этардунё.

ЭҳтиромларСизга, Сизгасаломлар,

Эй, улуғмуаллим, азизинсонлар!

**5ўуқвчи:**

Тинимсизҳарлаҳзаяшайсизёниб,

Сочгаоқтушганинсезмайсизҳатто.

Кунутунўйингизилмусабоқда,

Шогирдларкаломиэрурмуддао.

Борбўлингдоимо, меҳриуммонлар,

Эй, улуғмуаллим, азизинсонлар!

**1бошловчи:**

Устозмуаллим! Уфидойиинсон! Устозулуғзот. Ушбусўзтиллардамағруржаранглайди. Шусўззамиридаоламоламмеҳнатвазаҳматяширин. Ўқитувчисофдил, камтарин, маънавийпок, ахлоқийетукинсондир.Уларниҳарқанчаардоқлаб, кўккакўтарсак, кам.

**5ўуқвчи:**

Ўргатдингизонасўзини,

Шусўзбиланчиқдисаводим.

Ҳаёлимданчиқмайсизсира

Бўлсинсизгадоимотаъзим

**6ўуқвчи:**

Агарҳаётбўстонбўлса,

Боғбонмуаллим.

Агарҳаёткарвонбўлса,

Сарбонмуаллим.

Агарҳаётденгизбўлса,

Гавҳармуаллим.

Агарҳаёткитоббўлса,

Сўзимуаллим.

**6ўуқвчи:**

Чункиудирҳаринсонга

Берувчитаълим.

Таълимсўзиҳарнарсадан

Улуғмуаллим.

Шарафунга,обрўунга,

Унгатантана.

Мақтовларгасазоварсан

Эй, улуғустоз она!

Саҳнакўринишинамойиш этилади...

**2бошловчи:**

Ҳурматлиюртбошимизустоздайинбуюкзотларниюксакликкакўтариб, 1997 йилда 1октабрни "Устозвамураббийларкуни" деб эълонқилдилар. Ушбукункаттатантанабиланнишонланиб, дамолишкунисифатидаумумхалқбайрамигаайлантирилди.

**1бошловчи:**

Устозларшундайинбуюкзотдирларки, илмўрганишистагидагиниҳолларнибилимбиланпарвариш қиладилар.

**7ўуқвчи:**

Қиёс этгумкеладиустозларниқуёшга,

Ўзмеҳрнингқўринибахш этадиҳарёшга,

Билганингдасуюниб, билмайқолсангкуюнгай,

Тасаннодирмингбораустоздагибардошга!

**8ўуқвчи:**

Устозйўлипорлоқдир, устозйўлиёруғдир,

Устозкўнглихазина, саҳоватгатўлиқдир,

тсангустозқадрига, элингсениардоқлар,

Мўминбилсангустозинг, отангдайинулуғдир.

**2бошловчи:**

Устозотангдайулуғдеганҳикматдаоламоламмаънобор.Ҳаттоотаниқуёшгақиёс этамиз, кўкларгакўтарибмақтаймиз. Аммоотадекулуғ, дебнисбатберилувчиинсонбор, буустоздир!

**1бошловчи:**

Ҳақиқатан, отамизбизнивоягаетказади. Устоз эсаунибўсишимиз, камолотга эришишимиз, илму маърифатчўққиларинизабт этишимизгакўмаклашади.Ўзумрини, қалбқўрини, ақлидрокини, тажрибасивабилиминибизнингйўлимизгасарф этади.Ютуғимизданқувонади. Бизучунқайғуриб, ғамандуҳчекади, бизучункуйибёнади.

**9ўуқвчи:**

Сабоғидан кўзлар нурланди,

Ҳар сўзидан дил ҳузурланди,

Каломим, ҳам сўзим нурланди,

Меҳри дарё, тугамас, азим,

Устозларга қиламан таъзим!

**10 ўуқвчи:**

Қуёш нурин беради гулга,

Гул ҳуснини тутар булбулга,

Шогирдларни соладий йўлга,

Мақтанмоққа қиламан жазм,

Устозларга қиламан таъзим!

“Устозлар” қўшиғи ижро этилади.

**2 бошловчи:**

Устоз бебаҳо, улуғ, ғамхўр, меҳрибон инсон. Шундай устозлар борки, Шогирдининг ютуғидан кўзлари ёнган, яшариб кетган. Ҳа, халқимиз устозни улуғлаб мадҳ этишида ҳикмат кўп. Ахир, киши ота онаси сабабли дунёга келса, устоз таълими туфайли оёққа туради, катта ҳаётга қадам ташлайди. Киши меҳнат, ижод, ҳаётда нимайики ютуқни қўлга киритар экан, мураббий устози туфайлидир.

**11 ўуқвчи:**

Бир куни Искандар шоҳдан сўрашибди: сен устозингни отангдан кўра яхши роқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми?

Ҳа, деб жавоб берди Искандар, отам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди!( “Умр ҳикмати… саодати” дан олинди).

**12ўуқвчи:**

ИбнАббосдан: Сенқандайқилибшунчаилмга эришдинг?дебсўрадилар.

Ушундайдебжавобберди:

Саволберувчитил, билувчиқалбвачидамлиўқитувчибилан ….

Саҳнакўриниши. “ А. Навоийваёшболакайучрашуви”.

УстозваШогирднингсаволжавобиданлавҳанамоиш этилади.

**Шогирд:**

Инсонгаҳамишакамликқиладиганхислатларнима?

**Устоз:**

Уларучта: билим, одоб, фаҳмуфаросат.

**Шогирд:**

Уларга эришишйўллариқандай?

**Устоз:**

Билимгакишиўзмеҳнатиорқалиетишади, одобгаотаоналарваустозларкўмагида эришилади. Фаҳмфаросатфақатгинаато этилади!

**Шогирд:**

ҚандайустозШогирдиучунибратбўлаолади?

**Устоз:**

Покорзуларигаунингўзидекисҳонса, муваффақиятигаундандаортиққувонса… Шогирдинингҳарбиришигамеҳрлива эътиборлибўлса.

**Шогирд:**

Отаонаяқинми, Устозяқинми?

**Устоз:**

Иккисиҳам. Отаонанингяқинлигиагарки, уларфарзандигатарбиябераолса.УстознингяқинлигихуддиотаонадекШогирдиганисбатанмеҳрибонбўлса….

“Муаллимим” қўшиғиижро этилади.

**13ўуқвчи:**

Садоқатниустозданўрган,

Деган эканбирдунёкўрган.

Эрта экиб, экканинўрган,

Отамдайинулуғустозим,

Сизгачексизҳурмат, эъзозим.

**14ўуқвчи:**

Боргўзалликсиздамужассам,

Борзеболик, поклик, вафоҳам.

Меҳрибонсиз, азиз, муҳтарам,

Онамдайинулуғустозим,

Сизгачексизҳурмат, эъзозим.

**15ўуқвчи:**

Гулдайсулув, гулойимсизсиз,

Ойдайойдинбегойимсизсиз,

Ипакдайинмулойимсизсиз,

Опамдайинулуғустозим,

Сизгачексизҳурмат, эъзозим.

**16ўуқвчи:**

Торйўлларнибизгақилибкенг,

Доноларгабўлсиндеятенг.

Илмйўлидашимаргансизенг,

Синодайинулуғустозим,

Сизгачексизҳурмат, эъзозим.

**17ўуқвчи:**

Тунларнитонгларгаулаган,

Ёмонгаҳамбахтнитилаган,

Кафтимгамеҳрини элаган,

Қалбимеҳргатўлуғустозим,

Сизгачексизҳурмат, эъзозим.

**17ўуқвчи:**

Ўзбегимнингбиттакарвони,

Илмгаинтилганларсарбони,

Заминнингпокизабоғбони,

Қалбисеҳргатўлуғустозим,

Сизгачексизҳурмат, эъзозим.

**18ўқувчи:**

Муаллим–буюкликсҳўққисини эгаллаганзотдир. Уларшундаймоҳирбоғбондирларки, келажакшубоғдакамолтопади, воягаетади. Етук, баркамолшахсбўлиб, Ватанимизравнақигаўзҳиссалариниқўчадилар.

**18ўуқвчи:**

Ҳурматлиюртбошимизн “Юксакмаънавиятенгилмаскуч” асаридашундайўлмассатрларбитганлар. “Агаркидунёиморатлариичида энгулуғимактаббўлса, касбларнингичида энгшарафлисиўқитувчиликвамураббийликдир”. Донойўлбошчимизбусўзларниюракданҳисқилиб, камтаринкасб эгаларигаҳурматларинибилдирганбўлсаларажаб эмас.

Ўуқвчиларижросида“МеннечунсеваманЎзбекистонни” қўшиғиянграйди.

**19ўуқвчи:**

Алишерқалбигасолгансеҳрфайз,

Сенсан эймуаллим, устозАбуЛайс.

БуюкТемурсендантопгандатаълим,

Сеншундоқазиззот, азизмуаллим.

**1бошловчи:**

Ҳурматлиустозлар, меҳридарёлар! Бизёсҳавлоднитарбиялашдекмасҳаққатликасбингиз, оққўнглингизҳесҳзаволкўрмасин. Тоғдайюксак, тугамассоғлиқваўзлигинианглаганўуқвчиларнасиб этишинитилабқоламиз. Бизҳардоимсизбиланфахрланамиз.

**2бошловчи:**

Сизустозмураббийларнингўргатганларингизнипухта эгаллаб, ҳаётдаўзўрнидақўллашга, Ватанимизгамуносибфарзандбўлибетишишгаваъдаберамиз.

**1ўқувчи:**

Бугунқаршингиздабош эгурмизбиз,

Ҳарқансҳашеъррбицак, ярашурСизга.

Меҳрингизқалблардаяшаркан Устоз,

Доимтаъзимдамизҳурматингизга.

СизгаярашурЮлдуз, унвонлар,

Эй, улуғмуаллим, азизинсонлар!

**1бошловчи:**

Ҳа, устозларҳурматинижойигақўйиш, уларисҳонсҳиниоқлаб, умрбодмуносибиздошбўлибқолишҳарбирШогирднингмуқаддасбурчидир.

**2бошловчи:**

Меҳрлардангиламқилибтўшайин,

Шогирдларгамеҳрибондирустозлар.

Гавҳаримдеб, қўшиғимгақўшайин,

Нурустиганурбергандирустозлар.

Одамзотнингустозинисўрасҳар,

УстозкўрганШогирд, дейдимингяшар,

Устозларниустунбилганбубашар.

Зару, ҳимматбераолганустозлар.(*Устозлартермасидан*).

**1бошловчи:**

Муаллимҳақидасўзимушбудир,

Муаллимкамолотичракўзгудир.

ЎқидимГеродот, тарихийкўпбор

Фаробий, Дантенитакрорватакрор

Бариниўқидим, лолқолдиақлим,

Баригаустозсан, ўзингмуаллим.

**Ўуқвчилар:**

Бугунгикасббайрамингизмуборакбўлсин!

**2бошловчи:**

Эътиборингизучунраҳмат! Хайр,соғвасаломатбўлинг!

**1бошловчи:**

Келгусибайрамтадбирларидаучрашгунчаомонбўлинг!

Меҳмонлар, отаоналар, мактабраҳбаритадбирюзасиданўзфикрмулоҳазаларинибилдиришади.

Ўқитувчи, мураббийушбутадбирданфойдаланаётгандақўшиқварақсларни, саҳна

кўриниши, ибратлисўзларниўзхоҳишигакўратанлашимумкин

**Мавзу:** Соводхонлик байрами

***Мақсад:*** ўуқвчиларнингсаводўргатишдавридаолганбилимларининамоиш этиш;

Саводлиболаларшодиёнасигашерикбўлиш; ўуқвчиларнибоболармеросигамуҳаббатруҳида тарбиялаш;

**Жиҳоз:**чизилганрасмлар, меҳнатдарсларидабажарганишлари, деворийгазеталар,намунали

ўуқвчиларнингдафтарлари, гуллар, пуфаклар, “Саводхонликмуборак” кабиёзувлиплакатлар.

Байрамсинфхонасиёкимактабзалидаўтказилишимумкин.

**Байрамнингбориши :**

Ўуқвчиларсафланганҳолдатурадилар, шўхкуйянграйди.

**Ўқитувчи:**

Ассаломуалайкум, ҳурматлиотаоналар, азизузтозлар, қадрлимеҳмонлар!

“Саломберганболалар” қўшиғиянграйди.

**Ўқитувчи:**

Бугун энгқувонарликунСаводхонликбайрами!

Азизотаоналар, бувижонлар, фарзандларингизнингилмикамолимуборак,

Ҳурматлиузтозлар, сизларга эсазуккошогирдлармуборак!

Бугунзукколаримзафарқучганкун,

Илмпалласизер-забарқучганкун.

Ёзувларнафису, ўқишлартеран,

Иккиўнолтибирнафарқучганкун.

**Ўуқвчи:**

Сардор онамизчандонсакратди,

Лолаопакуйихандонсайратди.

Макабимқучоғингулдайяйратди,

Парвозибирсинфзафарқучганкун.

**Ўқитувчи:**

Офаринзукколар, айёммуборак!

**Ўуқвчи:**

Устозим энгаввал, сизгамуборак.

Берганбилимингизбизгамуборак,

Токитирикдурманунутмамсизни,

Ёшингизчулғансин, юзгамуборак!

“Муаллим” қўшиғиянграйди.

**Ўқитувчи:**

Офарин!

Бирсинфликсермашаққат, йўлнибиргабосдикбукун,

Саводхонликдевониданбиргалашибочдикбукун.

Эҳе… бариортдақолди, отардию, йиғисиғи,

ДилнозаюЛолахонлар, бириқўйиб, бириўқир.

ҲисобшошМаликалар, мукаммалдирАкмалилми

ЭргашадиЗарифалар, маъқултойдирМавлудамиз,

Одобиданойуялар,келажаккатайёр эрур,

Янабитта “Обидчалар”…

Кўкда эмас, синфимиздачақнабтурарСайёралар,

Ҳарбирингизқалбимгажо, юрактўримсизникидир,

Алифбегатаъзимбажо, барчашодликбизникидир

“Аълочиўуқвчи” ашуласиянграйди.

**Ўқитувчи:**

Ана энди, мушоираганавбат…

**Ўуқвчи:**

Унимадур, норибору, номийўқ,

Таъмибору, шифобахшшонийўқ,

Топқирбўлсанг ,бизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

“А” ҳарфига “нор”ниқўчса “анор” дур,

Хуштаъму, хушбахшу, хожатбарордир.

Бизгансаломбўлсинжавобимизшу!

**Ўуқвчи (қўлида “А” ҳарфи)** :

Унимадурсувдачаққонсузади,

Қармоқсолсангўткиртишиузади.

Қайсиҳарфунибошлабёзади

Топқирбўлсанг ,бизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

Уделфиндиртутқичбермайсузади,

Кимўзаргаўйинабкўрсанг, ўзади.

“Д” ҳарфимизунибошлабёзади,

Бизгансаломбўлсинжавобимизшу.

**Ўуқвчи (қўлида “Д” ҳарфи):**

- Укимдуруркўпсаргардонюрткезди,

ЎзюртигасиғмайАвғон, Ҳиндкезди.

Топқирбўлсанг ,бизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

БобомБобурюртгасиғмай, юрткезди,

Шайбонийхоноғулариничкazди,

Иккишоиртилтопишмайхўпкезди,

Букурасҳданюртимбисёрютқазди,

Бизгансаломбўлсинжавобимизшу.

*(“*Б”, “И”,”Ш” ҳарфларикўрсатилади*)*

**Ўуқвчи:**

БобомБобурасарларинкўзгасурай,

Шайбонийхонномаларииниўқиббилай.

Қўлида “Бобурнома” Бобуркўринади…

**Ўуқвчи:**

Унимадуртомга сҳиқибучиришар,

Камолотгатенгиййўқдекқичқиришар.

Топқирбўлсанг ,бизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

Уварракдур, санъатларинкўзкўз этар,

Ваниҳояткамолотгаборибетар,

Бизгансаломбўлсинжавобимизшу.

(“В”,”К” ҳарфларикўрсатилади)

**Ўуқвчи:**

Укимдурурдавронларнингнодиридур,

УвайсийларЗебоналаротинидур,

Авлодларикўзгасурар, хокинидур,

Топқирбўлсангбизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

Нодираидаврон эрурсўроғингиз,

Увайсийю, Зебунисоардоғингиз.

Авлодлариру̣ҳлантирсинқаламингиз,

Биздансаломбўлсинжавобимизшу.

“Н”,”У”,”З” ҳарфларикўрсатилади...

**Ўуқвчи:**

Момоларимасарларинўқиббилай,

Меросларинардоқлабмен, кўзгасурай.

Нодиракўринади.

**Ўуқвчи**:

Еттииқлимдовруғиданбаҳраолган,

Ўткирбилимсанъатидандавотопган,

НажотолмишонаЗаминнабототдан,

Кимҳақидагапборади ,ҳаёлатдан,

Топқирбўлсангбизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

Еттииқлимдардигаумалҳамбўлди,

Ўткирзеҳни, фаросатимашъалбўлди,

Касалликлармажруҳликларчекиндилар,

ИбнСинокушандаикасалбўлди.

Биздансаломбўлсинжавобимизшу

*(*“Й”, “С”.“О”ъ, “М”,”Ф” ҳарфлари *)*

*(* ИбнСинокўринади*)*

**Ўуқвчи:**

Унимадир, ўгитидандилбаҳраолар,

Тўғрийўлникўрсатади,кўнгилқонар,

Боболарим: момоларимсиғинганлар,

Ҳарқатрасидоноликдир, дилуйғонар,

Топқирбўлсанг, бизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

Уҳадисдурпайғамбаримўгитидур,

Қулоқсолсанг, ҳарқатрасийўлкўрсатур,

Покизалик, ҳамяхшилик,ҳалолликдур,

Биздансаломбўлсинжавобимизшу.

(“Х”,”П”,”Қ”,” Й” ҳарфлари*)*

**Ўуқвчи:**

“ Усҳаргилам”, “ёнартош” ларардоғида

Жаннатмаконюртларунингқучоғида

Ёвузликларенгиладирадоғида,

Несиноаткутиладирҳарбобида

Топқирбўлсангбизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

Керакбўлсасувларшарбатгаайланур,

Биркечадан “мингбиркеча” гауланур,

Донохалқиморзуларизапушалур,

У эртакдур, зафаркучарсўнгчоғида

Биздансаломбўлсин, жавобимизшу !

*(“Г”,”Т”, “Ж”,”Э”  ҳарфлари)*

**Ўуқвчи:**

Отабоболаримизоғзакиижодигамингтаъзим.

**Ўуқвчи:**

Қайсиюртдир, боғлариданболтомадир,

Жаннатмаконтупроғидanзарунадур,

Боболаримеросибирафсонадур,

Ўзгаюртларҳаваскилардурдонадур.

Топқирбўлсангбизгашунданхабарбер?

**Ўуқвчи:**

Ўзбекистонюртимменингафсонадур,

Чўпнисуқса, боғунадур, болтомадур.

Халқиунингтанти эрур, мардонадур,

Ғайратлидур, қудратлидур,фарзонадур,

Биздансаломбўлсин, жавобимизшу!

*(“Ч”,”Ғ”, “Қ”,”Ҳ” ҳарфлари)*

**Ўуқвчи:**

Йўлкўрсатарбоболаримеросига,

Мингйилларнинглутфига, акссадосига,

Рухсатберинг,юзофаринларайтайин,

Саждаайлай, хиром этайнавосига.

(“С”,”Р”, “Л” ҳарфлари ) **.** Ўуқвчиқизларижросидарақсижро этилади.

**Ўуқвчи***(*қўлидатутуқбелгиси*)* **:**

Ие ,бизчи,ўгаймизми, Алифбога,

Негабизниқўймадингизбирқаторга?

**Ўуқвчи:**

Кечирингиз,ўгаймассиз, сизсафдасиз,

Фаромушликқурсин, сизҳамиззатдасиз,

Жойолингизқариндошларқаторидан,

Айнисчоғда энгкераклифурсатдасиз,

Ҳамма: биздансаломбўлсинжавобимиз-шу

( Тутуқбелгисиҳамбирсафгатуради).

**Ўқувчи:**

Боболаримлеросиданбизсўйладик,

Эзгулигутўғриликнибизкўзладик,

Озбўлсададилларингизоромолса,

Бахтлидурмиз, сўзнибирозпардозладик.

**Бобур:**

Эҳҳе, набираларим,офарин! Зукколигингизникўриб, дилимяйради. Сизларнинголдингиздамингафсуснадоматларбилантурибман. Қани

эндиоилсҲиндюртидабунёд этганобидаларимўзюртимдабўлса. Юртимсҳиройимингчандонортиқбўлмасмиди?!

Эвоҳ, фалакситамингданАндижонимқолдику.

Қайдабўлсам, мажруҳ эдим, андажонимқолдику!

“Бобурвидеофилмиданкуйянграйди.

**Ўуқвчи:**

Кўпнадоматчекмангизбобожон. Даврингизранжуаламлариничекканингизсизгаетмасму? Обидаларингизқаердабўлмасин, ўзбекнингдовруғиниоламгататаратибтурмагайму?Бизгашубахтнингўзикифоя. АхирбизСизнингавлодларингиз.Унданкўрасизбизгасаволберингиз, бизжавобайлайлик. Авлодларингиззукколигиқандай эканлигинигувоҳибўлинг.

**Бобур:**

Офарин, Бошустига, Қаникимменингисмимнишарҳлайдур?

**Ўуқвчи**:

“Бобур” сўзи “йўлбарс” сўзинианглатгайдур.“Б”,”Р” ундошҳарфлар,”У”,”О” ҳарфлари

унлидур.

**Бобур:**

Баракалло(четгачиқади).

**ИбнСино**:

Қани, эндинавбатменга. Менҳозирсезишқобилиятингизнисинабкўраман. Иккиўуқвчинитанлайман.(танлайди) Кўзларингизниюмасиз

(тугмачалартикилганматоберилади).

Шуматодагитугмаларнипайпаслабсанайсиз. Топшириқбажарилади.

**ИбнСино:**Офарин, болалар! Баракалла. Совғасигаўйинбўлади.*Ўйин.*

**Ўқитувчи(**қўлида “Алифбе”, “Ўқишкитоби*”)* :

Манақадрлиболалар, бугун “Алифбе” китобибиланхайрлашамизва “Ўқиш” китобиниқабулқилиболамиз. Билимларпойдеворини “Алифбе” китобингизқурса, унингиморатини “Ўқиш” китобиниҳоясигаетказади. Аминманки, “Ўқиш” китобиҳамўзўрнниниАдабиётдарслигигабўшатибберади. Чунки, сизшеъриятгаошноқалблар, бунингҳамуддасиданчиқасиз.

**Ҳамма:**Хайр, “Алифбе” Ассалом “Ўқишкитоби”!

Оммавийрақсвақўшиқларижро этилади.

**Ўқитувчи**:

ШубиланСаводхонликбайрамимизҳамўзниҳоясигаетди.

Эътиборингизучунраҳмат!

Тарбиявий тадбирлардан лавҳалар ўқувчиларнинг қанчалик завқ олаётганини кузатиб, таҳлил қилишди. Тадбирлардан кўзланган мақсадлар мавзусида ўқитувчилар билан давра суҳбатлари ўтказилди.

Байрам тадбирларини тайёрлашда айтиладиган шеър, қўшиқлар уларнинг куйлари, саҳна безаклари кийиладиган либослар ўқувчиларга қанчалик тарбиявий завқ беришиши тўғрисида маълумотлар берилди.

Мактабда “Наврўз” байрам тадбирига ўқувчилар тайёрланди. Термиз шаҳрида ўтказилган “Наврўз” оммавий тадбирига ўқувчиларни олиб чиқдик. Бундан ташқари “сен юрагимда қалбимдасан Ватан” оммавий тадбирда болалар билан биргаликда иштирок этдик. “Болажон” боғида ўтказилган “Китобсеварлар” тадбири ўтказилди. Бунда ҳам ўқувчилар иштирок этишди. Тадбирга иштирок этган ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда, эстетик завқ олганлигини уларнинг тўлқинланиб фикрлашларидан билиб олдик.

**Тажрибада иштирок этган ўқитувчиларга яна саволлар тарқатдик.**

1. Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда тарбиявий тадбирларнинг ўрни борми?

2-Тарбиявий тадбирлар байрамида иштирок этган ўқувчиларда қандай ўзгаришларни кузатдингиз.

3-Тарбиявий тадбирбилан маданий тадбир байрам тадбирининг қандай фарқи бор?

Биринчи саволномада паст кўрсаткич кўрсатган 40% ўқитувчи билан мунтазам ишлагандан сўнг қуйидаги жавобларни олдик.

Ўқувчиларда ақлий, ахлоқий тарбияланишда тарбиявий тадбирларнинг ўрни жуда катта эканлиги, тадбирларда иштирок этган ўқувчиларда ҳар бир нарсага қизиқиш, иштиёқ уйғонини кузатдик. Тарбиявий тадбирда иштирок этиш ўқитувчи ва ўқувчи зиммасига маъсулият юклайди.

60%ўқитувчилар эса тарбиявий тадбирлар тарбиянинг мақсади ўқувчиларни ақлий, ахлоқий, миллий байрамларимизни, маънавий қадриятларимизни ҳис этишда тадбирларнинг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатиб, доимий равишда тарбиявий тадбирлар ўқувчи ёшлар онгини миллий руҳда тарбиялаб боришга хизмат қилади.

Тадбир байрамда турли ёшдаги турли қарашдаги касб эгалари, иштирок этишади. Бунда ўқитувчи, ўқувчи усти-бошига, сўзлашишига эътиборли бўлишни талаб этади. Мактабдаги байрам тадбирларига ҳам ўқувчилар эътибор билан тайёрланишни бу орқали ўқувчиларда ақлий, ахлоқий тарбиясини шаклланишига замин яратилишини айтиб ўтишган.

# УМУМИЙ ХУЛОСА

Республикамизда  таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар аниқ мақсадни кўзлаган холда режали равишда олиб борилмоқда. Бугунги  кунда вояга етиб келаётган ўқувчи-ёшларнинг ижтимойилашувида, тарбиявий тадбирлар орқали миллий қадриятлар ва  аҳлоқий қарашларини  қарор топтириш энг долзарб ҳамда  муҳим педагогик  муаммо  ҳисобланади. Ўқувчиларни миллий руҳ асосида шакллантиришжамият маънавиятини юксак даражага кўтариш билан боғлиқ бўлиб, унинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир.

Битирув малакавий ишни бажариш мобайнида қуйидагилар хулоса қилиб олинди.

Ўқувчи ёшларни тарбиявий тадбирлар орқали тарбиялаб бориш энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўқувчи ёшларни тарбиявий тадбирлароргқали тарбиялаб бориш етарли даражада бўлмаганлиги муоммога ҳозирги давр талаб даражасида қарашини тақозо этади.

Ўқувчи ёшларни тарбиявий тадбирлароргқали тарбиялаш ўз тарихий тжрибаларига эга. Бу борада миллий ва маънавий қадриятларга таяниш ва тарбиявий тадбирларнинг самарали имкониятларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчи ёшларни тарбиявий тадбирлароргқали тарбиялашнинг бугунги кундаги мавжуд холатини ўрганишда ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятлар аниқланди.

Тарбиявий тадбирлар орқали ўқувчи ёшларда миллий тарбияни шакллантиришда анкета сўровлари, тажриба синов каби методлардан фойдаланиб самарадорликка эришилди.

Ўқувчи ёшларни тарбиявий тадбирлар орқали тарбиялашнинг мазмун моҳияти бойитлди.

Ўқувчи ёшларни тарбиявий тадбирлар орқали тарбиялашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўқувчи ёшларни ахлоқий тарбиялаш мақсадида фақатгина тарбиявий тадбир байрамларини жамиятнинг маънавий-аҳлоқий негизларини мустаҳкамлаш билан чегараланиб қолмай, балки миллий қадриятлар асосида ўқувчи ёшларнимиллий қадриятлар асосида ўз ҳиссасини қўшиш кабиларни амалга оширишга қаратилиши лозим. Ўқувчи ёшларни миллий қадриятлар ғояси асосида шакллантиришда янги усуллар воситалар, шаклларни амалга ошириш ва уларни бошқариш ва назорат қилиш муҳимдир. Бунга, албатта, айниқса дарс ва дарсдан тасшқари тарбиявий тадбирлар жараёнида, шу билан бирга оила, маҳалла ҳамкорлиги асосида ўқувчиларни ижтимойилашувида миллий қадриятларни шакллантириш ўз самарасини беради. Ўқувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда тарбиявий тадбирларнинг таълим-тарбиядаги ўрни жуда муҳим ҳисобланади.

Замонавий педагогика технологиялар асосида ўқувчиларнинг ижтимойлашувини миллий қадриятлар асосида сакллантирисҳга оид тарбиявий тадбирларини баҳс, мунозара, ролли, ва педагогик ўйинли мусо бақалар олиб боришнинг методикаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

**ТАВСИЯЛАР**

Тарбиявий тадбирлар орқали ўқувчиларини миллий қадриятлар воситаси асосида ижтимоийлашуви муҳим аҳамият касб этади. Битирув малакавий иш натижалари қуйидаги тавсияларни тақдим этишга имкон беради.

1.Ўқувчи ёшларни тарбиявий тадбирлар орқали тарбиялашнинг амалий таъминотини яратиш.

2. Ўқувчи ёшларнитарбиявий тадбирлар орқали тарбиялашнинг миллий қадриятларга, аҳлоқ-одобга бағишланиши имкониятларини кенгайтириш.

3. Миллий қадриятлар асосида тарбиявий тадбирлар ўқувчи ёшларнинг онгига босқичма-босқич сингдирилиб бориши лозим.

4. Ўқувчи ёшларни мавзуга доир тавсиялар билан қуроллантириш имкониятларини яратиш.

5. Бошланғич синфларда Тарбиявий тадбирлар сенарисини яратиш ва ўтказиш.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Каримов И.А. Ўзбекистонни оъз истиқлол ва тараққиёт ёъли.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.–Т.: Ўзбекистон,1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср боъсагъасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик сҳартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т: “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилисҳга хизмат эцин.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак ёъқ.-Т.: “СҲарқ”, 1998.
7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
8. Каримов И.А. Ўз келажагимизни оъз қоълимиз билан қурамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
9. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка исҳонсҳдир.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас кусҳ.-Т.: Маънавият, 2008.
12. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-келажакка эътибор.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
13. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси .”Ўзбекистон”2003.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тоъгърисида”ги Қонуни.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрласҳ Миллий дастури”-Т.: 1997.
16. Алиқулов Х., Хайруллаев М. СҲарқ мутафаккирлари аҳлоқ ҳақида.-Т.: Фан, 1979.

17. Алиев А. Маънавият, қадрият, бадиият.-Т.: Академия, 2000.
18.Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ.-Т.: “СҲарқ”, 1994.
19. Афанасьева Т.М. Оила.-Т.: “Ўқитувсҳи”, 1988.
20. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар.-Т.: “Ўқитувсҳи”, 1993.
21. Баратов М., Алиқулов Х. Ўрта Осиё мутафаккирлари аҳлоқ ҳақида.-Т.: “Фан”, 1991.
22.Бозоров О., Худойқулов А. Аҳлоқий қадриятлар ва ислом.-Самарқанд: “Зарафсҳон”, 1992.
23.Боъриев О. Оила ва янги анъаналар.-Т.: “Ўқитувсҳи”, 1988.
24.Иномова Н “Оилада болаларнинг маънавий-аҳлоқий тарбияси”.-Т.: “Фан” насҳриёти 1999.
25. Кайковус “Қобуснома”Т.”Ўқитувсҳи
26. Каримова О.А “Оила фарзанд ва жамият”-Т.: “Ўқитувсҳи” насҳриёти. 1991.
27. Комилова Т., Обидова С. Миллий аҳлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти.-Т.: 2000.
28. Минавваров Н.К. Оила педагогикаси.-Т.: “Ўқитувсҳи”, 2004.
29. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёсҳлар тарбияси. –Т.: “Ўқитувсҳи”, 1995.
30. Маънавият юлдузлари.-Т.: 1999.
31. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т.: “СҲарқ”, 2001.
32. Назаров Қ.Н. Ижтимоий тараққиёт. Инсон ва қадриятлар.-Т.: “Фан”, 1991.
33. Назаров Қ.Н. Аксиология-қадриятлар фалсафаси.-Т.: “Маънавият”, 1998.
34. Обидова М. Одоб-аҳлоқ, маънавият булогъи.-Т.: “Ўқитувсҳи”, 1991.
35. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар.-Т.: 1997.
36. Отамуродов С. Маънавият ва маърифат асослари.-Т.: “Ўқитувсҳи”, 1991.
37. Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти.-Т.: 1998.
38. Содиқов Б. “Тарбияси қийин оъсмирлар психологияси”. Термиз 2003.

39. Содиқова Т. Меҳр қолур.-Т.: “Меҳнат”, 1997.
40. Сангинова М. Оилада тарбиявий салоҳият.-Т.: “Ўзбекистон”, 1991.
41. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
42. Туланов Ж. Ҳаёт фалсафаси.-Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
43. Хайруллаев М.М. Уйгъонисҳ даври ва сҳарқ мутафаккирлари.-Т.: “Ўқитувсҳи”, 1995.
44. Хайдаров М.Е “Кисҳик ёсҳдаги мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбиясида халқ анъаналаридан фойдаланисҳ”-Т.: “Ёзувсҳи” насҳриёти 1995.
45. Хайдаров М. э. “Педагогик мерос тарбия манбаидир” Босҳлангъисҳ таълим журнали, 1992 йил, 11-12 сонлар
46. Худойбердиев Х. Маънавият, аҳлоқий қадрият ва ислом. –Термиз, 2000.
47. СҲодмонова СҲ.С. Оилада кисҳик мактаб ёсҳидаги болаларни миллий қадриятлар асосида аҳлоқий тарбияласҳнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олисҳ учун диссертация.-Т.: 2001.
48. эркаев А. Маънавият-миллат нисҳони.-Т.: “Маънавият”, 1999.
49. Юсупов э. Қадриятлар ва уларнинг жамиятдаги оърни.-Т.: “Фан”, 1995
50. Юсупов э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Т.: “Университет”, 1998.
51. Қодиров Б. О. “Баркамол авлодни тарбияласҳнинг долзарб муаммолари”.-Т.: 2010.
52. Қодиров Б.О “Ўзбек халқ педагогикасининг сҳаклланисҳи”.-Т.: “Фан” насҳриёти, 1992.
53. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Тоъплам.-Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
54. Гъайбулла ас-Салом. Янгисҳа тафаккур ва миллий қадриятлар Ватан саодати.-Т.: “Истиқлол”, 2005.